



| | | |
|---|--|-----|
| | | |
| Жабборов Э. | Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “сарт” сўзи ҳақидаги қарашлари | 126 |
| Kaharova I.S. | Morphological features of imitative words in the Uzbek and English languages | 130 |
| LITERARY CRITICISM | | |
| Kurbanova Ch.B. | Abdulla Oripov she'riyatida aruz vazni va uning ahamiyati | 137 |
| Nasridinova S.U. | O.Henri hikoyalarida yumorning badiiy vazifalari | 143 |
| Obidova N.O. | Kortasar hikoyalarida psixologik tahlil | 148 |
| Халимова Ф.Р. | Лингвофонетик воситаларнинг прагматик хусусияти (инглиз шеърий матни мисолида) | 152 |
| Zaripova D.B. | Huvaydo lirikasida payg'ambarlar obrazi | 156 |
| Ахмедова Ш.Н. | Академик Наим Каримов услубига хос муҳим қирралар (Ойбек ижоди мисолида) | 160 |
| Бокарева М.А. | Пути развития русского реализма рубежа XX-XXI веков: от соцреализма до экзистенциального постреализма | 166 |
| Джалилова З.Б. | Инглиз шеъриятида инсон образининг гуллар орқали тасвирланиши | 173 |
| Каримова Ш.К. | Замонавий ўзбек шеъриятида поэтик синтаксис унсурларининг уйғун келиши | 182 |
| Fayziyeva M.Ch. | Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini | 189 |
| Қодирова Ф.Ш. | Риторика санъатшунослик дискурси контекстида | 194 |
| “NAVOIY GULSHANI” | | |
| Амонова З.Қ. | Изҳори ҳамд | 198 |
| PHILOSOPHY, LAW AND POLITICAL SCIENCES | | |
| Давидов У.Х. | Миллий-маънавий хавфсизлик ва миллий ўзликни англашнинг ўзига хос сиёсий-мафкуравий хусусиятлари ва эволюцияси | 201 |
| Muminkhujaev A.M. | The formation and development of liberal worldview on ideological threats in the context of globalization | 207 |
| PEDAGOGICS | | |
| Ҳакимова Н.С. | Бошланғич синф тарбия дарсларида ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий компетенцияларини шакллантириш тамойиллари | 212 |

**ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН ОБРАЗИНИНГ ГУЛЛАР ОРҚАЛИ
ТАСВИРЛАНИШИ***Джалилова Зарнигор Баҳодировна**Бухоро давла университети,**Инглиз тилишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, afifa88@mail.ru*

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз шеърлятида ўсимликлар, хусусан, гуллар аёл, эркак, бола ва марҳум каби инсон образларини тасвирлашда қўлланилиши таҳлил қилинган. Маълум ўсимлик танлови унинг физиологик хусусиятлари, ташқи кўриниши, ўсиш шароити каби факторлар билан бир қаторда халқнинг ўсимлик ҳақидаги қарашлари, диний эътиқоди ва маданиятига боғлиқ эканлиги кузатилган. Шу билан бирга, инсон тасвирида қўлланилган ўсимликлар шахснинг ижтимоий статуси, ёши, жинси каби хусусиятларини очишга хизмат қилиши намоён бўлган.

Калит сўз: поэтик образи, инсон образи, ижтимоий статус, фитоним.

Аннотация: В этой статье анализируется использование растений в английской поэзии, особенно цветов, для описания человеческих персонажей, таких как женщины, мужчины, дети и умершие. Выбор определенного растения зависит от таких факторов, как его физиологические характеристики, внешний вид и условия выращивания, а также взгляды людей на растения, религиозные верования и культуру. В то же время было показано, что растения, используемые в образе человека, служат для раскрытия характеристик человека, таких как социальный статус, возраст, пол.

Ключевое слово: поэтический образ, образ человека, социальный статус, фитоним.

Annotation: This article analyzes the use of plants in English poetry, especially flowers, to describe human characters such as women, men, children and the dead. The choice of a particular plant depends on factors such as its physiological characteristics, appearance and growing conditions, as well as people's views on plants, religious beliefs and culture. At the same time, it was shown that plants used in the image of a person serve to reveal the characteristics of a person, such as social status, age, gender.

Key words: poetic image, image of a person, social status, phytonym.

Кириш. Шеърлятида бадий образни яратиш ёки тавсифлаш учун гул турлари номларидан фойдаланишда унинг маъносини инсонга кўчириш, албатта, гул ва шахс орасидаги маълум шартли ўхшашликларга асосланади. Бундай қиёслашлар, метафоризация ходисаси эса кўпроқ маъшуканинг ташқи гўзаллигини тасвирлашда қўлланилади. Шу тариқа шеърлятида гуллар олами билан боғлиқ турғун бадий кўринишлар, рамзий образлар пайдо бўлган. Жумладан, ўзбек шеърлятида гул – маъшуқа, тикан – рақиб, мажнунтол – ошиқ каби образлар турғун анъанавий рамз даражасига кўтарилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай образлар инглизларда ҳам учрайди. Бунда атиргул (rose) – маъшуқа, мойчечак (daisy) – балоғатга етган, ёш кизни аташда қўлланилади. Улар анъанавий қўлланишга ўтган турғун рамзий образлар бўлиб, ифодаляйдиган маъноси ҳам анъанавийлик касб этган. Шеърлятида ўсимликлар, хусусан, гуллар қуйидаги инсон образларини тасвирлашда қўлланилади:

- Аёл образи.
- Эркак образи.
- Бола образи.
- Марҳум образи.

Тадқиқот методи. Тадқиқот ишида микдорий ва сифат таҳлилидан фойдаланилди. Инглиз шеърлятида аёл образи энг кўп ўринларда атиргул (21) билан тасвирланса-да, нарғис (daffodil, 2), нилуфар (lily, 9), бинафша (violet, 5), лола (tulip, 2), Июнь/Июль гули (June/July flower, 17), мойчечак (daisy, 5), амариллис (amaryllis, 2), ток (vine, 3), бегона ўт (weed, 3), атиргул ғунчаси (rose bud, 4), чиннигул (gillyflower, clove, 2) ямин (jasmine, 2), бодом гули (almond blossom, 1), апелсин гуллари (orange flower, 1), кулупнай (strawberry, 1), малина (raspberry, 1) каби гуллар ҳам бир қатор ўринларда қўлланилган.

Асосий қисм. Бу жиҳатдан Роберт Херрик ижодига назар солинганда, шоирнинг “A Meditation for His Mistress” номли шеърда маъшуқа образи лолага қиёслангани кузатилади. Шоир

суюкли ёрининг умри қисқалигини июль гулининг шу хусусиятига ўхшатган. Қўпол шамол унга озор бергани айтилиб, атиргул ғунчасидек ҳали тўлиқ очилмаган ёр жисми қизил эт ва қони билан эрта сўнган қизил атиргул ва унинг ғунчасигагина эмас, нафис бинафшага ҳам тенглаштирилган, токка ҳам қиёсланган. Токка қиёслар экан, унинг ўрни бокира қизларнинг тожида эканлигини айтади. Шеърнинг сўнгги бандида қизнинг барча гуллар маликаси эканлиги таъкидланган.

У.Спенсернинг “The Bower of Bliss” (“Бахт чодир”) асарида аёл *Virgin Rose, Rose, Rose of love* (Бокира Атиргул, Атиргул, севги Атиргули) гуллари деб аталган.

Ҳ.Четл “Diaphenia” (“Диафния”) шеърда севгилисини *daffodowndilly, lily, spreading roses* (сарик нарғис, нилуфар, очилган атиргул) каби гул ва унинг ҳолатларига ўхшатган.

Ҳ.Уэттен “Elizabeth of Bohemia” (“Бохемиалик Элизабел”) шеърда ёрини *violet* (бинафша)га менгзаган бўлса, Ж.Флетчер “Love’s Emblem” (“Муҳаббат нишони”) шеърда қизларни *Roses, Lilies* (атиргул, нилуфар)га; Ф.Томпсон “Daisy” (“Мойчечак”) шеърда ёшлигидаги илк муҳаббатини *мойчечак, атиргул (daisy, rose)*; Р.Бўрнс “To A Mountain Daisy” (“Тоғ мойчечагига”), “A Red Red Rose” (“Қип-қизил атиргул”), “Song-Lovely young Jessie” (“Гўзал ёш Жесси”) ва “My Girl she’s Airy: A Fragment” шеърларида севган ёрини *мойчечак, атиргул, нилуфар, Май ойи дарахт гуллари (daisy, rose, lily, blossoms in May)* кабиларга менгзаб тасвирлашган.

У.Блек “Songs of Experience” шеърий тўпламидаги бир қатор шеърларда аёл ва унинг гўзаллигини гуллар билан тавсифлаб образлантиради. Шулардан бири “Pretty Rose Tree” (“Гўзал атиргул дарахти”) шеъри бўлиб, унда шоир севгилисини гўзал атиргул дарахти “*pretty rose tree*” тимсолида ифода этган. Шоир гулдек жозибали кўринишдаги бир нотаниш қиз, қиз, гул (“*a flower*”) ҳақида ёзади. Асарда шоирга бир гул (қиз) таклиф қилинади. Шоир эса у қиз ўзи учун нотаниш бўлганлиги сабабли уни “*a flower*” деб атайди. Аммо бу гул жуда чиройли, шунчалар чиройлики, ҳатто Май ҳам бундай гул яратмаган. Бу гўзалликдан таъсирланган шоир тезда ҳушига келиб, унинг бутун бошли гўзал атиргул дарахти борлигини айтади ва гулни рад этади. Аммо унинг атиргул дарахти шоирдан хафа бўлиб, уни фақат тиканлари (“*thorns*”) билан, яъни муҳаббат дарди ва изтиробини билан қолдиради.

A flower was offered to me ,
Such a flower as May never bore ,
But I said , I’ve a pretty rose tree’ .
And I passed the sweet flower o’er.[16]

Инглиз шеърлятида аёл образи атиргул билан таърифланганда, тез-тез июнь, июлда очиладиган атиргул маъносини берувчи “*rose in June/ rose in July*” образи билан ифодаланиши кузатилади. Худди шундай бирикма “*Strange Fits of Passion Have I Known*” номли шеърда ҳам келтирилгани кўзга ташланади.

When she I loved looked every day
Fresh as a rose in June,
I to her cottage bent my way,
Beneath an evening-moon [15].

Ушбу шеърда шоир У.Вордворз севгилисини “июнь ойида янги очилган атиргул”га ўхшатиб, унинг гўзаллиги, ёшлигини шу майин ифорли гул образи билан ифода этган. Шоир ўз севгилисини шунчаки атиргулга эмас, балки ёзнинг бошида гуллайдиган гулга қиёслади.

Шуни айтиш мумкинки, худди бошқа жойлардаги каби Британияда ҳам атиргулларнинг ёввойи шакли ва маданийлаштирилган турлари июнь ойида қийғос гуллайди. Атиргуллар тўлиқ очилиши учун кунига камида олти соат қуёш нурига муҳтож бўлади. Буюк Британия сингари булутли ва нам иқлимли жойларда эса июнь ойигача булутли об-ҳаво давом этади. Бу эса гулларнинг гуллаш мавсуми бошланишини орқага суради. Атиргуллар қуёш нури олишлари жуда муҳимдир, чунки у турли ноҳушликларга олиб келувчи намликни қуритадиган миқдорда қуёш нурига чўмилмаса, чиройли ва тўлиқ гулламайди.

Атиргул инглиз адабиёти, айниқса, шеърлятида энг кенг қўлланиладиган гуллар образидан бири ҳисобланади. Бунга сабаб эса бу гулнинг мамлакат тарихида тутган ўзига хос ўрни билан ҳам боғлиқ. Маълумки, айнан қизил атиргул Англиянинг рамзи ҳисобланади. Инглиз маданиятида атиргулнинг христиан дини таъсири остида “пок, бокира аёл” коннотатив маъно орттирганини кузатиш мумкин.

Ўрта асрлардаги христианлик мавзуларига бағишланган диний шеърларда (Исо Масих ва Биби Марямни мадҳ этувчи), Бокира Марямнинг гуноҳлардан фориғлигини таъкидлаш учун “тикансиз атиргул” тимсолидан фойдаланилган. Ёввойи атиргулнинг бешта барги Биби Марямнинг

бешта кувончига, яъни Марямга кувонч бахш этган бешта муҳим дақиқаларга қиёсланган. Шу билан биргаликда, унинг исмидаги бешта ҳарфга ҳам тенглаштирилган. Натижада яширин литеремасанъати ҳосил қилинган. 1420 йилда битилган ушбу шеър сатрларида гуллар қироличаси бўлган атиргул Марямнинг рамзий тимсоли сифатида қўлланилган [17].

There is no rose of such virtue
As is the rose that bare Jesu;
Alleluia.
For in this rose contained was
Heaven and earth in little space;
Res Miranda.

Атиргулнинг айнан шу маънода қўлланишини бир неча ўринларда учратиш мумкин. Жумладан, Э.Бронтенинг “A Little Budding Rose” (“Кичкина атиргул гунча”) ҳамда У.Блекнинг “Sick Rose” (“Хаста атиргул”) шеърлари бир хил мотив, яъни гулга курт (“worm”) тушиб, уни хароб қилиши мазмунида яратилган. Бу ўринда гулга “хаста” сўзининг қўлланилиши уни инсон образида бериш имконини ҳосил қилган.

O Rose, thou art sick.
The invisible worm,
That flies in the night
In the howling storm:
Has found out thy bed
Of crimson joy,
And his dark secret love
Does thy life destroy.[15]

Шеърда “Атиргул” тўлиқ метафора намунаси сифатида эътиборни тортади. У пок аёл образини англатиб келмоқда. Блек “Эй Атиргул, сен хастасан” деганида, у аслида аёлларнинг бокиралиги ҳақида гапирган. Негаки, мусулмон шарқида бўлгани каби У.Блек давридаги диний жамиятда ҳам аёлларнинг бокиралиги уларнинг обрўси белгиси сифатида жуда муҳим саналган. Шунинг учун шеърда қизнинг тўшагига қоронғуликдаги пинҳон муҳаббат туфайли тушган курт унинг ҳаётини бузган, бокиралигига путур етказгани айтилмоқда.

Ўзбек шеърлятида аёл образи гул, гунча/гулгунча, суман/ёсуман, лолақизғалдоқ, райхон, ниҳол, (гули) раъно, гулўзор, қизил гул, гулбадан, гулбарг, лола, лолозор, лолозор, гулзор, сунбул, настарин, нарғис, ниҳол, (гули) раъно, сарв каби фитонимлар билан таърифланиши кузатилади. Аксарият ҳолларда гул архисемасининг ўзи аёлларга мурожаатда қўлланилади. Масалан, Э.Воҳидовнинг “Ширин” (*Эй гулим, севгим ҳаққи, Майдан мени қилма жудо*), “Шоҳигул” (*Оташин гул уздим, ол, бу – Шоҳигуллар шоҳи гул. Гул сочиқ йўлларда бўлсин Гул юзим ҳамроҳи гул*) номли шеърларида “гул” деб маъшуқага мурожаат қилса, “Дўстларимга” номли шеърида “гуллар” деб турмуш кураётган қадрдонлари Насиба ва Анварга мурожаат қилган (*Бу осмон неча минг йил, Чарх уриб кўрмабди бир бора Баҳор гулзорида ўсган Бу янглиз тоза гулларни*).[9, 285,276,266] Бундан маълум бўладики ўзбек шеърлятида гул концепти ҳам аёл, ҳам эркак образларини ифодалаб келиши мумкин.

Аксарият ҳолларда фитонимлар аёл образини тасвирлаш учун қўлланилган бўлса-да, маълум ўсимлик ва гуллар образи эркак тимсолини гавдалантириш учун қўлланган ҳолатлар ҳам учрайди. Зеро, инглиз шоири Виллиам Блэк ўзининг “Book of Thel” асарида “lily” нилуфар гулини эркаклар учун бокиралик рамзи сифатида беради. Унинг бундай қарашлари XIX асрнинг христиан символикасининг машҳур қўлланмасида ҳам кўрсатилган [2,33]. Зеро, бу асарда “the lily, whenever seen, has but one signification which is chastity and purity...”, яъни “нилуфар, ҳар қандай даврда фақат битта бокиралик ва поклик маъносига эга”лиги қайд қилинган.

Авлиё Жозефнинг (Биби Марямнинг турмуш ўртоғи) иконаграфиясида кўпинча нилуфар гулини тутиб турган ҳолатда тасвирланганлигини кўриш мумкин. Кўплаб манбаларда нилуфар гули Авлиё Жозефнинг бокиралик рамзини ифодалашини таъкидланган [6,26]. Ана шундай диний қарашлар орқали йигит тимсолини ифодалаш учун нилуфар гулининг коннотатив маъноси орттирилган.

Инглиз тўйларида черков йўлагининг, меҳробнинг нилуфар ва атиргуллардан тайёрланган гулдаста билан безатилиш анъанаси ҳам шу билан боғлиқ ҳолда келиб чикқан, чунончи, оқ нилуфар йигит – куёв, қизил атиргул эса киз – келин тимсолини ифодалаб келади. Бу фикрнинг исботини У.Спенсернинг тўй қунига бағишланган “Epithalamion” асарида кузатиш мумкин.

For my fayre love of lillyes and of roses,
Bound truelove wize with a blew silke riband.
And let them make great store of bridale poses,
And let them eeke bring store of other flowers

To deck the bridale bowers.[4,972]

Асарнинг учинчи бандида шоир музалар ва нимфалардан йигит-қизни никоҳ меҳробига бошлашни сўраркан, ўзи севган нилуфар ва атиргуллардан гулдаста тайёрлашни, шу гулдаста каби икки севишган қалблар ҳам шойи ипак лента билан бир умрга боғланишларини таъкидлайди. Бунда гуллар рамзий маънода келин ва куёв образини ифодалаш мумкинлиги намоён бўлади. Бундан маълум бўладики, адабиётда, хусусан, шеърятда гуллар гендерлик хусусияти билан ҳам талкин қилинади. Жумладан, оқ гул йигит, қизил гул эса қиз бола образини ифодалаш учун қўлланилади. Шеърдаги оқ рангдаги нилуфар куёвни, қизил атиргул эса келин сиймосини намоён этиш учун ишлатилади.

Мусулмон оламида ҳам оқ атиргул Муҳаммад (с.а.в.) билан ассоциация қилинганлиги сабабли бу тусдаги гуллар йигит киши тасвирида учрайди.[6, 27] Шунинг учун бунга ишорани ўзбек халқининг “Тоҳир ва Зухра” эртаги сюжетида ҳам кузатиш мумкин.

Бадиий адабиётда дарахтлар ҳам кўпинча эркакларга тавсиф, ишора бериш учун қўлланилади. Масалан, Майкл Драйтеннинг “The Muses of Elysium” номли асарининг бешинчи қисми 6-бандда шоир жангда ғолиб бўлган саркарданинг хиссиётларини *ғолиблик, шон-шухрат рамзи лавр, олий жаноблик рамзи эман, тинчлик рамзи зайтун, ёлғизлик ва гам-андуҳ рамзлари мажнунтол ҳамда сарв, жасорат рамзи қарагай* каби дарахтлар тимсолида бадиий акс эттиргани кузатилади:

Қизиғи шундаки, ўсимликлар инсоннинг жамиятдаги ўрнини ҳам ифодалашга хизмат қилиши маълум бўлади. Атиргул, нилуфар, бинафша, ясмин, чиннигуллар зодагон аёлларни; лавр, эман, нилуфар, палма жамиятда мавқеи юкори бўлган эркаклар тимсолини тасвирлашда фойдаланилса, амариллис, мойчечак, гул, дарахт ҳамда бегона ўтлар оддий қизлар ва йигитларни тасвирлаш учун қўлланилган. У.Шекспир 94 соннетида олий табақа вакиллари ўзларини энг яхши, энг латофатли билиб, атрофдагилар мактовидан завқланишларини тасвирлайди. Бироқ агар шу ширин гул, нилуфар, ёмон амаллар қилса, унда у чирий бошлайди. Бундай нилуфар гулидан оддий бегона ўт афзалроқ эканлиги таъкидланади.[4]

The summer’s flower is to the summer sweet,
Though to itself, it only live and die,
But if that flower with base infection meet,
The basest weed outbraves his dignity:
For sweetest things turn sourest by their deeds;
Lilies that fester, smell far worse than weeds.[14]

Шекспир турли ижтимоий гуруҳларга мансуб инсон тасвирини анча ўраб, маҳорат билан тасвирлаган бўлса, Эндрю Марвелнинг “The Garden” (“Боғ”) деб номланган шеърда айрим инсонларнинг жамиятда ғалаба, ҳокимият, қудрат ва шон-шавкат ортидан югуришини ачиниб тилга олади. Маълумки, шеърда келган палма (palm), эман (oak), лавр (bay) инглиз, умуман, Европа маданиятида чуқур тарихга эга дарахт ва буталар бўлиб, ҳар бири рамзий маънога эга.

Манбаларда келтирилишича, “The mythologies of all nations are full of them; and in all times they have been associated with the soldiery, the governments, and the arts. Thus the patriot was crowned with Oak; the hero and the poet with Bay”, яъни “Барча халқлар улар ҳақидаги мифларга бой ва улар ҳар доим ҳарбийлар, ҳокимият ва санъат билан боғланган. Шундай қилиб, ватанпарварлар эман гулчамбари, қаҳрамон ва шоирлар лавр гулчамбари билан тақдирланганлар”.[5,21] Бу уч дарахт орасидан эман юнон маъбуди Зевс учун муқаддас саналган бўлса, римликлар Юпитер болалигида айнан шу дарахт остидан паноҳ топганига ишонишган.[6,23]

Шоир инсонлар (эркаклар) ғолиб, қудратли ва шон-шарафли бўлишга тинмай ҳаракат қилганда, барча гуллар ва барча дарахтлар, яъни оддий аёлу эркак сокин кузатишларини таъкидлаган.

How vainly men themselves amaze
To win the palm, the oak, or bays,
And their uncessant labours see
Crown’d from some single herb or tree,
Whose short and narrow verged shade
Does prudently their toils upbraid;
While all flow’rs and all trees do close

To weave the garlands of repose.

Томас Кемпизн “Amaryllis” (Амариллис) шеърида аслзода хонимлардан кўра оддий қишлоқ аёлларини (амориллисни) афзал кўришини анча очик усулда изҳор этади.

I care not for these ladies that must be wooed and prayed;

Give me kind Amaryllis, the wanton country maid.[14]

Шоир зодагон хонимлар ўз муҳаббатини олтин-тиллоларга сотишлари мумкинлиги, бойликни хис-туйғуларидан устун кўйишларини айтар экан, қишлоқнинг содда қизларига бундай хусусият ёт эканлигини, улар муҳаббатга меҳр ила жавоб қайтаришини (*If I love Amaryllis, she gives me fruit and flowers*) таъкидлайди.

Амариллис пиёздан (илдиз) унадиган, кўкариши осон гул саналади. Боғбонларнинг фикрига кўра, амариллис инжиқ бўлмаган, осон ўсадиган гул ҳисобланади.[13] Айнан шунинг учун ҳам шоир соддадил қишлоқ қизларини шу гул номи билан номлаган.

Юқорида ҳам эслаб ўтилганидек, бу гулнинг яралиши билан боғлиқ юнон афсонаси бор. Унда бу гул номи Амариллис исмли қиз номига бориб боғланиши айтилган. Алтео ҳажрида руҳан эзилиб, юрагини олтин ўқ билан жароҳатлаган бу қизнинг қонидан очилган қизил тусли Амариллис гули аслида 1800 йилда гиппеаструмнинг гибриди эканлиги аниқланган.

“To A Mountain Daisy” (Тоғ мойчечагига) шеърида Роберт Бернс ўз даври жамиятини тасвирлар экан, инсон тақдирига унинг жамиятдаги ўрни ёхуд табақаси қанчалик таъсир қилиши ҳақида гапирди. Роберт Бўрнс мойчечак (маргаритка) гулини инсониятнинг тақдири билан таққослайди, уни инсон каби жонлантириб, инсон даражасида, одамзод яратган дунё даражасида акс эттиради.

Бир қатор танқидчиларнинг фикрига кўра, ушбу шеър шоирнинг ўз ҳаётини намоён этган. Роберт Бўрнс 1786 йилда Жин Армор исмли аёлдан эгизак фарзандли бўлади. У аёлнинг хомилдорлиги ҳақида кеч билади, лекин иқтисодий муаммолар туфайли у билан турмуш қуришдан олдин чет элда пул топиб келишга қарор қилади. Кетишидан олдин Жинга уйланиш ваъдасини ифодаловчи хужжат тайёрлайди. Лекин Жиннинг отаси ушбу хужжатдаги исмларни ўзгартириш ёки умуман ўчириб ташлашни ўз ҳуқуқшуносидан илтимос қилади. Хужжатга зарар етказилиши айнан “To A Mountain Daisy” (“Тоғ мойчечагига”) шеъри ёзилган пайтга тўғри келади. Шундан хулоса қилиниши мумкинки, мойчечак (маргаритка) гули аслида Жин ва унинг тақдирини ифодалаб келган.

Wee, modest, crimson-tipped flow'r,

Thou's met me in an evil hour;

For I maun crush among the stoure

Thy slender stem

To spare thee now is past my pow'r,

Thou bonie gem.[14]

Биринчи тўртликда шоирнинг гулга нисбатан камтар, барг учлари қирмизи гул (modest, crimson-tipped flow'r) дея берган таърифи аслида севган ёрига қаратилган бўлиб, унинг гўзаллигини таъкидлаш учун келтирилган. Шоир боғидаги тупрокни ағдараркан, мойчечакнинг нозик поясини эзганини сезса-да, унга ёрдам бера олмаслигини тан олиб, улар ана шундай иложсиз ёмон пайтда учрашганликларини айтади. Бу фикрлар асли Жинга изҳор этилган бўлиб, иқтисодий етишмовчиликлари туфайли севгилиси билан турмуш қуролмай, уни оғир вазиятда қолдирган шоирнинг изтироблари тасвири сифатида ифода этилган.

Alas! it's no thy neebor sweet,

The bonie lark, companion meet,

Bending thee 'mang the dewy weet,

Wi' speckled breast!

When upward-springing, blithe, to greet

The purpling east.[14]

Иккинчи бандда шоир мойчечак гули, унинг тонгдаги нафосати, унга маҳлиё кўшни қуш тасвирини берган, булар тимсолида севгилиси гўзаллигини кўрмоққа чоғланган. У гулнинг кўкраги ва танасини бежизга мақтамайди, чунки у гулни аёл сифатида қабул қилиб, унинг тана гўзаллигини мойчечакка (маргариткага) ўхшатган.

Cauld blew the bitter-biting north

Upon thy early, humble birth;

Yet cheerfully thou glinted forth

Amid the storm,

Scarce reared above the parent-earth
Thy tender form.

Учинчи бандда шоир мойчечакнинг ёмон об-ҳаво, совуқ шимол шамоли билан курашиши ва охиригача омон қолиш учун қилган ҳаракатини юқори баҳолайди. Унинг тасаввурига кўра, Жин ҳам жамиятда худди шундай кураш олиб борган. Айниқса, сўнгги икки сатр Жин ва отасининг бу борадаги қарорлари ва ҳаракатларини англатади. Зеро, шеърда келтирилганидек, ер худди гулга ота каби ғамхўрлик қилганлиги каби Жин ҳам падарининг йуриғига амал қилиб, Роберт Бернсдан умидини узади.

Кейинги бандларда шоир мойчечак ёки Женнинг ички ҳисларини, кечинмаларини ҳеч ким ҳис қилмаганлигини айтади. Ҳеч ким у нимани истагини тушунмайди. Мойчечак (Жин) бошқа гўзал гуллар ва аёллар орасида “кўринмас” ва “ёлғиз”. Шоир кимсасиз жойда бошини баланд кўтариб, кўёшга юзланган мойчечак тимсолида севгилиси Жинни тасаввур қилади. Энди қиз кўз ёшлари ва оғриқларини яшириш учун бошини эгган гул каби нигоҳини ерга қаратиши ва ёлғон гапириши кераклигини тасвирлайди.

Кейинги бандда у оддий, содда қиз Жин ва мойчечакнинг тақдири бир хил эканлигини айтади. Севгилисидан жудо бўлган шоир бу аянчли тақдирни қабул қилади ва у ҳақида фикр юритади. Юқори синф вакиллари ўз қизлари учун, одатда, ўзлари даражасидаги бой, мукамал эр топишга ҳаракат қилиб, аёл бахти учун муҳим бўлган бошқа факторларга эътибор бермасликларини таъкидлайди. Чунончи, Жиннинг отаси қизини оддий шоир билан жўн ҳаёт кечиришга лойиқ кўрмаганлиги ушбу шеърнинг никоҳ севгига қурилиши зид бўлган даврда ёзилганидан дарак беради.

Инглиз шеърлятида яна бола образи кўпроқ гулга қиёслангани кузатилади. Масалан, Ж.Бэumont вафот этган ўғлига бағишлаб ёзган асарида “Which, like a flow’r crusht, with a blast is dead” дея фарзандининг гулдай сўлганини тасвирлайди. Ф.Маклеоднинг “The Vision” шеърда эса шундай мисралар келтирилган:

In a fair place
Of whin and grass,
I heard feet pass
Where no one was.
I saw a face
Bloom like a flower –
Nay, as the rainbow – shower
Of a tempestuous hour.[7, 27]

Мисралар мазмунига кўра, шоира бир гулдек очилган юзни кўрдим, лекин у на эр, на аёл, балки гумона бир мурғак жон дея, ҳали туғилмаган чақалоқ тасвирини келтиришга уринмоқда.

А.Ч. Свинбўннинг “Babyhood” (“Болалик”) шеърда гўдакнинг атиргул деб аталишини кўриш мумкин. Шоир беланчагини тонгнинг булутлари қоплаган атиргул, яъни бола асли заминнинг, табиатнинг энг ақлли вакили эканлигини, ухлаганида ширингина қизил атиргулга ўхшашини айтади.

Rose, round whose bed
Dawn's cloudlets close,
Earth's brightest-bred
Rose!
No song, love knows,
May praise the head
Your curtain shows.
Ere sleep has fled,
The whole child glows
One sweet live red
Rose.

Шеърятда вафот этган инсонни гулга менгзаш ҳодисаси азалий поэтик анъаналардан бири ҳисобланади. Қуйидаги мисраларда шоир Оскар Уайлд “Requiescat” номли шеърда вафот этган яқин аёлини нилуфар гулига қиёслаган. **Нилуфар** – йирик баргли, чиройли катта-катта гулли, сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. У халқимиз орасида хотин-қизларнинг исми сифатида ҳам учрайди.[11, 37] Эътиборлиси шундаки, бундай исм инглиз халқи орасида ҳам мавжуд. Lily – нилуфар гули номи билан боғлиқ антропоним сифатида кузатилади.

Tread lightly, she is near
Under the snow,

Speak gently, she can hear
The daisies grow.
All her bright golden hair
Tarnished with rust,
She that was young and fair
Fallen to dust.
Lily – like, white as snow,
She hardly knew
She was a woman, so
Sweetly she grew.[7, 42]

Вафот этган инсонни гулга ўхшатиш ҳодисаси азалий поэтик анъаналардан бири бўлиб, унинг тарихий илдизлари қадимий анимистик ҳамда тотемистик қарашларга бориб тақалади. Хусусан, жаҳон халқлари фольклорида мавжуд йўқлов кўшиқларида бу анъана ёрқин кузатилади. Агар келтирилган шеърнинг мазмунига эътибор қаратилса, унда бевақт вафот этган аёл хотираси ёдга олинган. Шоирнинг унга нисбатан самимий муҳаббати, ҳурмати, соғинчи мадҳ қилиниб, ширин хотираси эъзозланган. Шоир аёл зиёратига келганларни у ётган қор остидаги тупроқни қаттиқ босмасликка, охиста қадам ташлашга, баланд овозда эмас, секин ва мулойим гапиришга, шу орқали марҳума руҳини безовта қилмасликка, абадий уйқусини бузмасликка ундайди. Чунки унинг ҳали ҳам ўзига яқинлиги, ҳаммасини кўриб турганлигига, айтилаётган ҳар бир гапни эшита олишига ишонади. Фақатгина унинг бир вақтлардагидай тилларанг тусдаги гўзал сочли аёл кўринишида эмас, мойчечак гули шаклида намоён бўлиб турганини айтади. Шеърдаги мисралар унинг баҳор яқинлашаётганда ёзилганини кўрсатади.

Қизиғи шундаки, Марказий Осиё ва Эрон халқлари, жумладан, ўзбеклар орасида Наврўз олдида қабр бошига чиқиб, ўтганларни хотирлаш удуми ҳалигача сақланиб келмоқда.[10, 31] Шу жараёнда куйланадиган махсус йўқловлар ҳам яратилган. Уларда кўпинча табиатда юз бераётган гўзал ўзгаришлар, чор-атрофнинг турфа гулларга бурканиб бораётганини ўтганларнинг кўролмаётганлигига ачиниш бадий ифода қилинган. Ўзбек халқи орасида лола ва лолақизғалдоқ ўтган эски йилда ўлган марҳумларнинг қонидан униб чиқади деган тасаввурларни бадий ифодалантирган афсоналар ҳам бор.[10, 42] Афсоналарга кўра, ер ўлганларнинг қонини ўзига сўриб олиб, кейин уларни баҳор гулларига берармиш.[12, 32]

Шу таҳлиллар билан юқоридаги шеър мазмуни таҳлили ўзаро боғлаб мушоҳада қилинса, унда ҳам айнан марҳуманинг гулга қиёслантирилаётгани бежиз эмаслиги англашилади.

Ўзбек халқи орасида ҳалигача ёш вафот этганлар ҳақида “Ўн гулидан бир гули очилмай сўлган” ибораси ишлатилади. Аёли вафот этган эркаклар хотинига “вой, гулим” дея овоз солиб, куйидаги каби йиғи кўшиқларини куйлашади:

Куймасин ҳеч кимнинг ҳаргиз кулба бирлан хонаси,
Сарғаймасин, вой алам-е, ҳаргиз гулдай танаси .[8, 75]

Тирик ва соғлом инсоннинг танаси қизғиш тусда бўлса, марҳумлар сариқ тусда бўлади. Юқоридаги мисраларда шу табиий ҳолатга ўзига хос ишора мужассам. Шунинг учун “гулдай тана” ҳамиша мадҳ қилинади.

Қабр зиёратига борганлар гул олиб бориб қўйиш одати деярли барча халқларда ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Шоир дафна гулчамбарни кийган бошга ўлим эрта соя солганидан куйинмоқда.

Б.Жонсеннинг “To the Immortal Memory and Friendship of that Noble Pair, Sir Lucius Cary and Sir Henry Morison” (Икки олийжаноб инсон, Сер Лицис Кери ва Сер Ҳенри Морисеннинг абадий хотираси ва дўстлигига бағишлов) асарида вафот этган икки дўстидан бирисининг ҳаётини эман, иккинчисини эса нилуфарга менгзайди. Эман узоқ яшаб, куруқ, барг ва новдалардан холи бир ёғоч бўлиб йиқилди, майда кўркама нилуфар ҳам худди ўша кунда вафот этгани, улар ёруғлик ўсимлиги ва гули бўлганлиги таъкидланган.

It is not growing like a tree
In bulk doth make man better be;
Or standing long an oak, three hundred year,
To fall a log at last, dry, bald, and sere:
A lily of a day
Is fairer far in May;
Although it fall and die that night,

It was the plant and flower of light.
In small proportions we just beauties see,
And in short measures life may perfect be.[4,209]

Шоир машхур инглиз адиби У.Шекспирга бағишлаб ёзган “To the Memory of my Beloved Mr. William Shakespeare” (“Севимли Уильям Шекспир хотирасига”) номли қасидасида ғалаба, шон-шавкат рамзи лавр фитпоэтонимиға мурожаат қилган. Юқорида таъкидланганидек, шоирларнинг лавр билан тақдирланиши уларнинг машхурлиги, ўз ишининг устаси каби хусусиятларга эғалигидан далолат берган.

Инглиз маданиятида гулларнинг ўлим тушунчаси ва мархумлар билан боғланиши худди ўзбек маданиятидаги каби чуқур илдизга эга. А.Меркатентнинг ёзишича, инглизлар ноҳақ айбланиб, ўлимга маҳкум қилинган кишининг қабрида унган нилуфар гули айбсизлигини кўрсатувчи белги эканлигига ишонишган. Гуллар ва ўсимликлар севишганлар қабридан униши ҳам кузатилган.

“Тристан ва Изолда” ҳақидаги асарда турли жойда айро дафн этилган севишганлар қабридан унган ўсимлик бир-бирига чирмашиб кетиши уларнинг ўлим орқали руҳи бирлашганининг рамзи бўлган.[6, 5]

Шу қаторда, XVI асрга мансуб “Fair Margaret and Sweet William” (“Гўзал Маргерет ва ёқимтой Уильям”) номли шотланд балладасида ҳам айро кўмилган икки севишганнинг қабридан черков томигача баланд бўлиб унган гулларнинг бир-бири билан боғланиши, уларнинг ўлимдан сўнг яна бирлашишгани рамзи сифатида тасвирланган.

Out of her breast there sprang a rose?
And out of his a briar;
They grew tall they grew unto the church top,
And Athere they tied in a true lovers' knot.

Хулоса. Кўриняптики, шеърятда фитонимлар, яъни гул ёки ўсимликлар номи кўчма маънода шахсни, унинг ёши, жинси ва ижтимоий статусини ифодалаб келиши кўп кузатиладиган анъанавий поэтик ходисалардан биридир. Фитонимлар (гуллар, ўсимликлар) кўчма маънода аёл, эркек, бола ва мархум образини ифодалаб келиши кўпроқ поэзияда кузатилади. Зеро, шеърда шоир ўзининг ҳис-кечинмаларини поэтик ифодалар экан, образни тасвирлашда ўз қарашларидан келиб чиқиб, турли ўхшатишлардан фойдаланади. Бадий образни яратишда маъно кўчиши гуллар ва шахс орасидаги маълум ўхшашлик, умумийликка таянади. Бу каби қиёслашлар кўпроқ инсоннинг ташқи кўриниши ва калбини тасвирлашда қўлланилади.

АДАБИЁТЛАР :

1. Bakhodirovna, D. Z. (2021). *Description of Human Features and Feelings through Flora in English Poetry. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(10), 6-9. <https://cajlp.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/209>.
2. Clement C.E. *Christian Symbols and Stories of the Saints*. – Boston: Ticknor and Company, 1986. – P.33.
3. Djalilova, Z. (2022). *Использование растений в английской поэзии для выражения социального статуса человека. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 8(8). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5908
4. Gardner H. *The New Oxford Book of English Verse*. – New York: Oxford University press, 1985. – P. 972.
5. Ingram J. (n.d.). *Flora Symbolica or the language and Sentiment of Flowers*. – London: Frederick Warne and Co. – P.21.
6. Mercatante A.S *The Magic Garden: the Myth and Folklore of Flowers, Plants, Trees and Herbs*. – New York: Harper and Row, 1976. – P.26.
7. Untermeyer L. *Modern British Poetry*. – N.Y.: The Quinn & Boden company, 1920. – P.27
8. Бўлардан учган газал-ай. Ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари. – Бухоро, 2004. – Б.75.
9. Воҳидов Э. *Муҳаббатнома. Сайланма. 2 жилдлик. 1-жилд*. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.285,276,266.
10. Наврўз йўқлови // *Наврўз (Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар)*. Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. – Т.: Фан, 1992. – Б.31
11. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Н – Тартибли*. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.37.